

«Тошкентдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти
акциядорларининг 2019 йил 21 майдаги
йиллик умумий йигилиш қарори билан

ТАСДИҚЛАНГАН



АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИНИ ХАҚИДА НИЗОМ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Мазкур Низом ижро этувчи органининг мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини тайинлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзосининг хуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.
- 1.2. Низом Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва жамиятининг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур уставга асосан жамиятнинг ижроия органини тузиш, жамиятнинг бошқарув раҳбарининг ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киради. Жамиятнинг ижроия органи акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатув кенгашининг қарорларини бажарилишини ташкил этади.

2.2. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг уставида белгиланадиган жамият бошқаруви томонидан амалга оширилади.

Жамиятнинг коллегиал ижроия орган (бошқарув) таркиби 1 йил муддатга сайланадиган 5 кишидан иборат.

2.3. Жамият ижроия органининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамиятнинг мъеёрий ҳужжатлари асосида, устави ва низомларни, лавозим қоидаларини, улар билан тузилган меҳнат шартнома шартларини бажариш фаолиятини олиб боради.

Жамият бошқарув орагни таркибига қўйидаги лавозимдаги шахслар киради:

- 1) Жамиятнинг бошқарув раиси;
- 2) Ишлаб чиқариш бўйича Директор;
- 3) Сотиш ва молия бўйича Директор;
- 4) Бош бухгалтер;
- 5) Тошкент филиали бошқарувчиси.

2.4. Жамиятнинг бошқаруви мажлисларини ўтказишини бошқарув раиси ташкил этади, у жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда жамият бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди, жамиятнинг бошқаруви ўз ваколат доирасида қабул қилиган қарорларга мувофиқ жамият номидан ишончномасиз иш юритади.

Жамият бошқарувининг мажлисида баённома юритилади.. Мажлис баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

қабул қилинган қарорлар.

Жамият бошқаруви мажлисининг баённомаси кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишининг) аъзолари талабига кўра уларга берилади.

2.5. Жамият уставига мувофиқ жамият аъзоларини тайинлаш, коида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

2.6. Жамият бошқарув раҳбарининг ва аъзоларининг хуқуқ ва мажбуриятлари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўз.Р. Қонун ва бошқа конун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатта тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

2.7. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг ранси томонидан ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахе томонидан имзоланади. Жамиятнинг бошқарув раҳбари билан тузиладиган

шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш кандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йигилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган хисботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

2.8. Жамиятнинг бошқарув раҳбарига ва аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори, жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлик бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

2.9. Жамиятнинг бошқарув раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидағи лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга факат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

2.10. Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув раҳбари ва аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

2.11. Жамият кузатув кенгаши жамият бошқарувининг раҳбари ва аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг харакатлари (харакатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилгай бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

3. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ВА ТАРКИБИ

3.1. Жамият ижроия органининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йигилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.2. Жамият бошқарув раисининг ваколати ва ҳукуки қўйидагилардан иборат:

- акциядорлик жамият номидан ишончномасиз фаолият юритиш, бошқа ташкилот ва органлар билан алоқада унинг манфаатларини ифодалайди;
- ўз ваколати чегарасида мол-мулк, пул маблагларини тасарруф этиши;
- битимлар ва шартномалар, шу билан бирга меҳнат шартномаларини тузиш. бекор қилиш;
- ишончномалар бериш;
- банкларда ҳисоб ва бошқа рақамлар очиш;
- ўзига бўйсинувчи барча ходимларга мажбурий бўлган фармон ва кўрсатмалар қабул қилиш;
- ходимлар штатини тасдиқлаш, уни тўлдириш;
- жамият ижроия органи аъзолигига, филиаллари ва ваколатхоналари, шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари раҳбарлигига тайинланадиган номзодларни тавсия қилиш;
- ички аудит хизмати ва корпоратив маслаҳатчи номзодларини тавсия қилиш;
- ва шунингдек Ўзбекистон Республикаси конунчилигига асосан бошқа ҳуқукларга эга.

Жамият бошқарув раисининг қўйидаги мажбуриятларга эга:

- лавозими мажбуриятларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси конунчилигига, уставга, жамият ички меъёrlарига ва локал ҳужжатларга, жамият билан тузилган меҳнат шартномасига таянган ҳолда фаолият олиб боради;
- жамият акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгаши карорларини бажаришни ташкиллаштириш;
- акциядорлар умумий йигилишига белгиланган муддатларда жамият молиявий-хўжалик фаолияти бўйича йиллик ҳисбот ва жорий йилда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш бўйича ҳамда филиаллар, ваколатхоналар, шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари молия-хўжалик фаолияти назорати юзасидан ҳисботларни тақдим этиш;
- жамият кузатув кенгашига жамият молиявий-хўжалик фаолияти бўйича чоракли ҳисботларни, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш бўйича ҳисбот, ҳамда кузатув кенгаши ваколатига тегишли масалалар ҳолати бўйича ҳисбот бериш;
- жамият молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли ҳужжатларни жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссиясиси ва аудитори талабига биноан тақдим этиш;
- акциядорларнинг амалдаги конунларда назарда тутилган маълумотларни олиш, акциядорлар умумий йигилишида катнашиш, дивидендларни ҳисоблаш ва олини ҳуқукларига риоя этилишини таъминлаш;
- жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, жамиятнинг барча бўлимлари, цехлари ва структуравий бўлинмаларининг иш самарадорлигини оширишни таъминлаш;
- филиаллар, ваколатхоналар, шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари молия-хўжалик фаолияти устидан назорат ўрнатиш;
- жамият фаолиятига конунчилик талабларига риоя килишини таъминлаш;

- жамият ожроия органининг мажлислиарини ўтқазишни ташкиллаш ва уларга раислик қилиш;
- жамиятининг келгуси мавсумда жамият ривожланишининг бизнес-режасини ишлаб чиқишига раҳбарлик қилиш, жамиятнинг тасдикланган жорий бизнес-режасини бажаришни ташкиллаш ва назорат қилиш;
- жамият томонидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга етарли даражада фойда олинишини таъминлаш;
- жамият томонидан шартнома юзасидан олинган мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш;
- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисбботларнинг аниқлилигини ва тегишли равишдаги холатини ташкиллаш, тегишли органларга давлат статистик ҳисбботларни, ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа маълумот олувчиларга жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ўз вақтида топширишни таъминлаш;
- коллектив шартномалар тузишда иш берувчи бўлиб қатнашиш, коллектив музокараларда ижроия орган аъзоларининг иштирок этишини таъминлаш;
- коллектив шартномалар мажбуриятлари ва жамиятнинг ички тартиб қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш;
- жамиятда меҳнатни ҳимоя қилиш меъёрлари, техник хавфсизлик, меҳнат ва технологик интизомга риоя қилинишини таъминлаш;
- жамиятнинг технологик ускунналари ва бошқа активларидан тўғри фойдаланиш ва уларнинг бутлигини таъминлаш;
- жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билимлари, малакалари, тажрибалари ва қобилияtlаридан аъло даражада фойдаланиш бўйича чора тадбири кўриш; жамиятнинг тижорат сирларини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш ва жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;
- акционерларнинг умумий йигилишида белгиланган ва конунчилик доирасига мувофик булган микдорларда ишчиларни раҳбарлантириш, айрия (хомийлик) ёрдами бериш, ёки эхсон қилишнинг кузатув кенгаши билан келишиш;
- узоқ муддатли хизмат сафарлари ва таътил вактларидан фойдаланишини кузатув кенгаши билан келишиш.

4. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИНИНГ ИШЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАХОЛАШ

4.1. Жамият кузатув кенгаши ҳар чоракда тинглайди:

1) ижроия органининг:

жамият молиявий-хўжалик фаолияти;
бизнес-режанинг бажарилиши;

самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари (СМК) самарадорлигининг йигинди кўрсаткичи (СЙК)
ҳамда режанинг бажарилиши фоизи;

шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисбботини.

4.2. Жамият кузатув кенгаши ҳар чоракда тинглайди:

жамият ички аудит хизматининг:

- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбботларда акс эттирилган маълумотларнинг тўғри юритилиши, ижроия органи томонидан қонунчиликка, таъсис ва бошқа хужжатларга риоя этилаётганлиги, хўжалик фаолиятини юритишда ўрнатилган тамоил ва қоидаларининг тўлиқлигини таъминланганлиги, активларнинг сақланганлиги, ҳамда жамиятни бошқаришда қонунчиликда ўрнатилган талабларга риоя этилиши тўғрисидаги ҳисбботларни;

- ижроия органининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисида;

- жамият самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари (СМК) интеграл коэффицент кўрсағтичлари (СЙК) ҳамда режанинг бажарилиши фоизи тўғрисида;

4.3 Жамият ижроия органининг тақдим этган ҳисбботга кўра, ҳамда жамият ички аудид ҳисбботига кўра кузатув кенгаши ижроия органининг ишига баҳо беради ва ҳисббот даврида ва тегишли карорни қабул қиласи.

4.4 Ижроия органининг фаолиятини баҳолаш Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон карорига мувофик Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисидаги тасдикланган низомга асосан баҳоланади ва баҳолаш фаолияти жамимят сайдларида ёълон қилинади.

4.5 Жамият ижроя органи раҳбари ва аъзоларини моддий рағбатлантириш миқдори жамиятнинг тўғридан тўғри иш самарадорлигига ва ишлаб чиқариш натижаларига қараб жамият умумий йиғилишида очикдан – очиқ эълон қилинади.

4.6 Жамият ижроя органи раҳбари ва аъзоларини моддий рағбатлантириш (СМК, СЙК) кўрсататқичлари режасининг 100 фоизга бажарилишини эътиборга олиниб уларнинг ойлик маъоши миқдорига нисбатан белгиланади.

5. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

5.1. Самарадорликни баҳолаш мезонлари белгиланган даврийлик бўйича хисобланадиган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини ўз ичига олади. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (кейинги ўринларда СМК деб аталади) ташкилотларнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳолаш мезонларининг миқдорий ўлчовидан иборат бўлади.

5.2. СМК рўйхати ташкилотнинг кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланади. СМКни хисоблашнинг даврийлиги хар чорақдан иборат бўлади ва қарори кузатув кенгаши билан белгиланади.

5.3. Баҳолаш мақсади учун ҳар бир СМКга унинг ташкилот учун аҳамиятини акс эттирувчи салмоқ ўлчови белгиланади. Ташкилотга нисбатан татбиқ этиладиган барча СМК салмоқ ўлчовлари жами 100 фоизни ташкил қиласди. Ҳар бир СМКнинг салмоқ ўлчови, унинг ташкилот фаолияти учун аҳамиятини хисобга олган ҳолда, кузатув кенгаши қарори билан белгиланади. СМКни хисоблашнинг тўғрилиги ва ишончилиги ташкилотнинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

5.4. СМКнинг прогноз (мақсадли) кўрсаткичлари ҳар бир давр учун бизнес-режада, унинг ажralmas қисми хисобланадиган алоҳида илова сифатида акс эттирилади. СМКнинг прогноз (мақсадли) кўрсаткичлари кузатув кенгаши томонидан қонунчиликда белгиланган меъёрий миқдордан (агар кўрсаткичлар учун қонунчиликда меъёрий миқдор белгиланган бўлса) паст бўлмаган даражада белгиланади.

5.5. Кузатув кенгаши навбатдаги чорак тугагандан сўнг СМКнинг прогноз (мақсадли) кўрсаткичларига тузатиш киритиши мумкин.

5.6. Хисоблаш йўли билан олинган СМК миқдорлари уларнинг бизнес-режада белгиланган прогноз (мақсадли) миқдорлари билан хисобланган ва мақсадли миқдорнинг фоизли нисбати тарзида (бажариш фоизи деб аталади) таққосланади. Барча СМК бўйича ўртacha хисобланган миқдор ташкилотнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йигинди кўрсаткичи (кейинги ўринларда СЙК деб аталади) сифатида ифодаланади.

5.7. Жорий даврда ижро этувчи орган раҳбари ва аъзоларини мукофотлан миқдори бизнес-режада назарда тутилган ижро этувчи органинн моддий рағбатлантириш пули миқдорини СЙКга кўпайтириш йўли билан аниқланади. кузатув кенгаши қарорига биноан ижро этувчи органинн ташкилот фаолияти натижаларини шакллантиришдаги ҳақиқий иштирокидан келиб чиқиб, тузатиш коэффициенти қўлланиши мумкин.

5.8. Агар СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизи барча СМКнинг камида ярмида прогноздан (мақсадли кўрсаткичдан) ошса, кузатув кенгаши қарорига асосан ижро этувчи орган раҳбари ва аъзоларини мукофотлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган мукофотлаш миқдорига нисбатан икки баробар оширилиши мумкин.

5.9. Агар СМКнинг ҳақиқий миқдори қонунчиликда белгиланган меъёрий миқдордан паст бўлса, кузатув кенгаши қарорига асосан ижро этувчи орган раҳбари нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик чоралари кўрилади.

5.10. кузатув кенгаши қарорига асосан ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги қўйидагида эътироф этилади:

СЙК миқдори 40 фоиздан кам бўлса - кониқарсиз;

СЙК миқдори 40 фоиздан 60 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса - паст даражада;

СЙК миқдори 60 фоиздан 80 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса - етарли даражада эмас;

СЙК миқдори 80 фоиздан 90 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса - ўртacha даражада;

СЙК миқдори 90 фоиздан 100 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса - етарли даражада;

СЙК миқдори 100 фоиздан ошса - юкори даражада.

5.11. Ташкилотларда ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигини баҳоламасдан ёки уларнинг фаолияти қониқарсиз ёки паст даражада деб эътироф этилган тақдирда устамалар белгилашга, мукофот пули ва бошқа моддий рағбатлантиришлар тўлашга йўл кўйилмайди.

5.12. Ижро этувчи органнинг самарадорлиги кетма-кет икки чорак мобайнида қониқарсиз ёки паст даражада (хар кандай уйғунликда) бўлса, бу ижро этувчи орган раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор килиш ташаббуси билан чиқишга олиб келади.

5.13. СМКнинг хисобланган миқдорлари, СЙКни бажариш фоизлари белгиланган тартибда ташкилотнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади ва акциядорларга (қатнашчиларга, мулкдорга) уларнинг ёзма сўрови бўйича тақдим этилади.

5.14. СМК, СЙК ва уларнинг йил якунлари бўйича бажариш хисоби аудиторлик ташкилоти томонидан, йил якунлари бўйича аудит ўтказиш тўғрисидаги шартноманинг алоҳида кўшимча предмети доирасида, профессионал консалтинг хизматлари кўрсатиш йўли билан текширилади.

5.15. Аудиторлик ташкилотининг СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг хисобланган миқдорини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотининг профессионал консалтинг хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги хисботи ташкилотнинг хисбот йилидаги фаолияти натижалари билан бирга (акциядорлари (қатнашчилари)нинг ёки давлат корхоналари муассисларининг йиллик умумий йиғилишида) кўриб чиқилади.

6. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ РАИСИННИНГ ВА АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Жамият бошқарув раиси ва аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

6.2. Агар ушбу модда қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

6.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

6.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг бошқарув раиси ва аъзоси устидан судга мурожаат қилишга хакли.

6.5 Суд жамиятнинг бошқарув раиси ёки бошқаруви аъзосини жамиятта мулкий зарар етказганиликда айбор деб топган тақдирда, ушбу бошқарув раисининг ёки бошқарув аъзосининг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

6.6 Жамиятнинг бошқарув раиси ёки бошқаруви аъзоси жамиятга чалгитувчи ахборот ёки била туриб ёлгон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки уз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузишни ва (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.